

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 6 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (10.958)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

Киска сатрларда

● **БУГУНДАН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўсмир ёшларни спорт секцияларига, ўқув курсларига, тўғрақларга жалб қилиш мақсадида «Очиқ эшиклар кун» тадбири бошланди. Ушбу тадбир 30 августга қадар давом этади.

● **ЎТГАН** куни Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва Оқсоқоллар Кенгаши ташаббуси билан маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида анъанавий «Маҳалла кун» тадбирининг шаҳар босқичи ўтказилди.

● **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги «Илғор» маҳалласида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда марказнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Мустақиллик — олий неъмат» деб номланди.

● **БУГУН** бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида санъаткорлар, ижодкорлар ўртасида юртимиз Истиқлолнинг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улуг, энг азиз» танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишларини янада жонлантириш мақсадида Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида уюштирилган йиғилишда маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандлари «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида Олимпия шон-шухрати музейига ҳамда Тошкент планетарийсига саёҳат қилишди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги Файзулла Хўжаев номи маҳаллада «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Камолот» кун» тадбирида «Камолот» ташкилоти фаоллари, маҳалла ёшлари иштирок этишди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили ҳамда юртимиз Истиқлолнинг 16 йиллигига тўғра сифатида Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига Голландиядан юрак-қон томир хасталикларини даволашга ихтисослашган замонавий тиббиёт жиҳозлари келтирилди.

● **ЮРТИМИЗ** Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Байналмилал кўчасидаги майдон ободонлаштирилди, турли хил гуллар, дарахт кўчатлари экилди.

● **ЎЗБЕК** -япон марказида ўтказилган тадбир «Буюк Ипак йўли—2007» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОДЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТОБОРА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ФРАНЦИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МИЛЛИЙ МАРКАЗИ (CNRS) ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНГАН БУНИНГ ЁРҚИН ДАЛИЛИДИР.

Ушбу Битимдан қўзланган мақсад икки мамлакат тадқиқотчиларининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, маърифий ва маданий соҳадаги мавжуд алоқаларни ўзаро манфаатли асосда мустақамлаш билан изохланади. Ушбу ҳужжат илмий-техникавий ахборотлар алмашиш ва уларни тарқатиш, илмий ходимлар ва мутахассислар

тайёрлаш, конференция, семинар ва бошқа илмий ташаббусларни уюштириш, шунингдек, қўшма тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш сингари йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда tutади.

Хусусан, томонлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва CNRS эълон қиладиган илмий лойи-

ҳаларни танлов асосида рўёбга чиқаришни режалаштирмоқда. Мазкур Битим мамлакатларимиз илмий муассасаларию икки томонлама алоқаларни фойдалантириш учун асос бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Франция илмий тадқиқотлар Миллий маркази (CNRS) бўлинмалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўтган йили Франция илмий тадқиқотлар Миллий маркази (CNRS) президенти Катерин Брешиняк бошчилигидаги Франция экспертларининг делегацияси мамлакатимизда бўлган эди. Ташриф чоғида меҳмонлар республикада рўёбга чиқарила-


ётган ислохотлар натижалари, илм-фани, хусусан, турли соҳалардаги фундаментал тадқиқотлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати қўраётган чоратадбирлар билан атрофлича танишган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Франция илмий тадқиқотлар Миллий маркази (CNRS) вакилларининг учрашувлари томонларнинг энергия муқобил манбалари, қуёш ва шамол энергиясидан самарали фойдаланиш, қўшма илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш сингари соҳаларда ҳамкорликни фойдалантиришга бўлган алоҳида қизиқишини кўрсатди.

— Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар

билан узок муддатли ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта иштиёқ билан қараймиз, — дейди Франция илмий тадқиқотлар Миллий маркази президенти К. Брешиняк. — Биз имзолаган ҳужжат долзарб мавзуларда қўшма илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, аспирант ва докторантлар алмашуви ва малака оширишлари, икки мамлакатдаги ихтисослашган наشرларда илмий-тадқиқот мақолаларини чоп этиш учун кенг имкониятларни очади. Аниқ лойиҳалар ва узок муддатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида илмий мутахассис-экспертлар даражасида пухта ва ҳар томонлама иш олиб бориш бизнинг қим муқаддат мулжалланган режаларимиз сирасига қиради.

М. ЁКУБОВ,
«Жаҳон» АА
Париж



16 O'ZBEKISTON



ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ




Кундан кунга чирой очётган пойтахти азимнинг ўзига хос кўржи ва салобати бўлган Шайхонтохур туманида ҳам тобора яқинлашиб келаётган энг азиз ва улуг байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Хусусан, туман ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлида қад ростлаётган мухташам бинолар, кенг ва раvon йўллар, жаҳон андозалари даражасидаги спорт комплекслари тўйга тўнади. Туман тарихига кўз ташлар эканмиз унинг 1929 йилда ташкил топиб, ҳозирда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Собир Раҳимов, Учтепа, Юнусобод ва Чилонзор туманлари билан чегарадош бўлиб, умумий майдони 27,2 квадрат километр эканлигидан хабардор бўламиз. Туманда 49 та маҳаллалар мавжуд бўлиб, 277,8 минг аҳоли тинчлик-тотуликда яшаб келмоқда.

Туманда ўтиб бораётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да кўпгина соҳаларда юксалиш, ўсиш, ютуқларга эришилди. Хусусан, 2007 йил биринчи ярим йиллигида саноат маҳсулотлари ҳажми 79,9 миллиард сўми ташкил қилди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда туманда фаолият юритаётган Ф.Фулом номидаги иқтисодий матбаа уйининг ўсиш суръати 149 фоиз (матбаа маҳсулотлари), «Тошкент қувур заводи» ҚК — 159,4 фоиз (қувурлар), «Нихол» тажриба заводи — 108,5 фоиз (дори-дармон), «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа иқтисодий уйи — 158,3 фоиз (матбаа маҳсулотлари), «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа иқтисодий уйи — 137 фоиз (матбаа маҳсулотлари)нинг ҳиссаси катта бўлди.

2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигида мавжуд йирек саноат корхоналарида янги технологиялар ўрнатилди ишлари мўлжалланиб («Ўзбекистон» НМИУ янги матбаа маҳсулотлари иқтисодий ошмуручи асбоб-ускуна ўрнатди), бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг 30 фоизга оширишга эришилди.

«ALUTEX» қўшма корхонаси томонидан йилга 3000 тонна алюмин профилларини ишлаб чиқарувчи янги технологик тизими ишга



ташқирлади ва мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан 100 фоиз фойдаланиш ҳисобига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг оширишга эришилди. Бундан ташқари «ТЭП» корхонаси томонидан Форобий кўчасида оёқ кийим ишлаб чиқариш учун мўлжалланган цех қурилмоқда ва 3-чорак давомидида ишга туширилади (йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 9,2 миллион сўмга тенг бўлади).

Туманда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан 10,0 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинган. Йирек экспортчи корхоналардан бири «Ўзтексак» қўшма корхонаси ҳисобланиб, бу корхона томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида мўйлаш маҳсулотлари хорижга чиқарилган. Туманда рўйхатда олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 286 тани ташкил этади. Жумладан: «Лукойл» МЧЖ, «Ўзкейс-сервис» ҚК, «ALUTEX» ҚК, «Тошкент қувурлари заводи» ҚК, «Шарқ модел» қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида асосий капиталга инвестициялар ҳажми 27 миллиард сўми ташкил қилади. Шу давр мобайнида бир қанча объектлар ишга туширилди, булар:

— Уйғур кўчаси 12-уйда савдо ва маънавий-тадқиқот кўрсатиш шохбчаси, яна Уйғур кўчасида 2267 погон метр ер майдонлари таъмирланган, аҳоли маблаглари ҳисобига 18433 квадрат метр уй-жойлари қуриб бит-

казилган, Сағбон кўчаси 12-уйда савдо ва умумий овқатланиш шохбчаси («Бир Зумда») ишга туширилган, Навоий кўчаси савдо растанасида савдо дўкони фаолият бошлаган.

Ўтган биринчи ярим йиллигида чакана савдо айланмаси 149,3 миллиард сўми, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 29,3 миллиард сўми ва маънавий хизмат кўрсатиш ҳажми 1,8 миллиард сўми ташкил қилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 21 та янги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш ва маънавий хизмат кўрсатиш шохбчалари ташкил қилинди.

2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 275 та бўлиб 1 июль ҳолатига эса уларнинг умумий сони 2469 тани ташкил этмоқда. Кичик бизнесда 2384 та иш жойлари ташкил қилинди. Кичик ва хусусий бизнесга ажратилган умумий кредит миқдори 20 миллиард 989,9 миллион сўми ташкил этди.

Йил бошидан бери туманда 2384 та янги иш жойлари яратилди. Жумладан йирек ва кичик корхоналарда қасаначилик иш жойларининг яратилиши 328 тани ташкил этган.

Туманда 41 та умумий таълим мактаблари, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та олий ўқув юртли, 11 та касб-ҳунар коллежлари, 4 та академик лицей, 9 та касалхона, 12 та ҳар хил мулк шаклига эга бўлган оилавий поликлиникалар, А.Навоий номидаги санъат саройи, 3 та музей, цирк, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Республика телемаркази ва «Пахтакор» стадиони аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ёшларнинг таълим-тарбияси, соғлиги ва жисмонан етуқлиги йўлида хизмат кўрсатмоқда.

Туман ҳудудини айланар эканмиз ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламини тобора яқинлашайтган Улуғ ва азиз байрамни катта тайёргарлик ва кўтаринкилик билан қутулаётганидан далолат бериб турибди. Зеро, халқимиз ҳаммиси ардоқли, кадрли кунларни мана шундай — тўйга муносиб тўёна тайёрлаб кутиб олган.

(Шайхонтохур туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасида фермер хўжаликларига четдан олиб келинаётган насли чорва молларини парваришлаш ва наслчилик ишларига бағишланган семинар ўтказилди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чакирув тўғрисида»ги Қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Президентимизнинг «Ёш оилаларни доир ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишлаб Фузур туманидаги Мирзо Турсунзода номи маҳалла фуқаролар йиғини ва молия-иқтисодиёт коллежида давра суҳбати уюштирилди.

● Юқоричирик тумани Йиқ ота қишлоғидаги реабилитация марказида «Мафтункор ранглар жилоси» расмлар танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

● Хоразм вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан 131 нафар II-жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, яқка-ёлғиз кексалар, ногиронларга даволанишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун сиҳатгоҳга бепул йўлланмалар берилди.

● Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмаси ҳамкорлигида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва хотин-қизлар бандлигини оширишга бағишланган форум ўтказилди.

● Наманганда кардиология ва кардиожарроҳликнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика семинар-мактаби ўз ишини бошлади.

● Оҳангарондаги «Саховат» қариялар уйи «Олмаликметаллургурилиш» трести ҳамда «Анқур» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан мукамал таъмирланди. Жумладан, бу ерда амалга оширилган қурилиш-тиклаш ишларига жами 1 миллиард сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Бугун Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай АҚШ ташриф буорди. У Кэмп-Дэвиддаги қароргоҳда АҚШ Президенти Жорж Буш билан Афғонистонни ҳар томонлама тиклаш, мамлакат инфратузилмаларини ривожлантириш ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

● Бугун Йерихон шаҳрида Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ва Исроил Бош вазир Эхуд Ольмерт ўзаро учрашишди. Бизнинг маълумот чоғида Фаластин давлатининг келгусидаги чегаралари, Йерусалим шаҳрининг мақоми, фаластинлик қочқинлар ва бошқа масалалар хусусида сўз бориши кутилмоқда.

● Польшада яна ҳукумат таназзули рўй берадиган кўринади. Зеро, мамлакатдаги етакчи партиялардан бири «Самооборона» ҳукумат бошқаруви тарихидан чиқиб кетгани билдирибди. Бу ўз навбатида мамлакат сеймининг тарқатилиши ҳамда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилишига олиб келиши мумкин.

● АҚШ Афғонистонга жорий йилда 10 миллиард, кейинги йилда эса 4,7 миллиард долларлик иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда. Бу ҳақда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ричард Баучер журналистларга маълум қилди.



● Бугун маҳаллий соат билан 8.15 да Япониянинг Хиросима шаҳрида юз минглаб кишилар иштирокида 1945 йилдаги атом бомбаси қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Франция Ливияга танкка қарши «Milan» ракетагини етказиб бериш юзасидан шартнома имзолади. Шартнома қиймати 230 миллион долларни ташкил этмоқда. Гарчи Франция Президенти Николья Саркози бунга рад этаётган бўлса-да, Фарб матбуоти беш нафар болгариялик ҳамширанинг ўз Ватанига қайтарилиши эвазига ушбу ҳарбий кўмак берилаётгани ҳақида ёзмоқда.



● Россиянинг Сахалин области, Невелск шаҳрида кеча қайтадан ер қимирлаши бу ердаги аҳолини ичимлик суви ва электр қуввати билан таъминлаш ва бошқа тиклаш ишларига жиддий халал берди. Ҳозирда шаҳарда 1600 та квартира таъмирталаб бўлса, 5 мингга яқин кишига янги уйлар берилиши керак. Шу муносабат билан Россия ҳукумати томонидан махсус кредит ажратилди.

● Хорватиянинг «Адриатика гавҳари» деб ном олган Дубровник қурорт шаҳрида ўрмон ёнғинларининг қучайиб кетиши муносабати билан факулдодда ҳолат эълон қилинди. Ҳозир бу ерда қучли ёнғинни бартараф этиш учун ўт ўчирувчиларга ҳарбийлар кўмак бермоқда.

● Конгода ярим тунда катта тезликда ҳаракатланаётган поездининг издан чиқиб кетиши натижасида 68 киши ҳаётдан кўз юмди, 120 нафар йўловчи жароҳатланди. Темир йўл ҳалокати сабаблари аниқланмоқда.



Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



2007 — Ижтимоий ҳимоя йили ИНСОН МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР

ЖАМИЯТИМИЗДА ЭЗГУЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ, ҲАМЖИҲАТЛИК, ТИНЧЛИК ВА ОСОИШТАЛИКНИ САҒЛАШ ЙЎЛИДА КАТТА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛМИЗНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДЭБ НОМЛАНИШИ ВА БУ ЙЎЛДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҲАМ ИНСОН ОМИЛИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИДИР.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида кўп сайҳаракатлар амалга оширилди. Шайхонтоҳур туманида ҳам «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурининг вазифалари ва моҳиятини

омма орасида тарғиб қилиш юзасидан Маънавият-тарғибот маркази ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими вакиллари иштирокида маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида турли тадбир, уюштуруш ва давра суҳбатлари ўтказилди.

— Тумандаги 49 та маҳаллада тарихий, сиёсатчилар иштирокида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Уларда 5000 нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Давлат дастури ижроси бўйича туман халқ таълими бўлими томонидан ногиронлиги оқибатида мактабга бораолмайдиган 68 нафар болалар ўқув дарсликлари билан таъминланди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей томонидан ногиронлиги тўғрисида кўриштирилган мактабга бораолмайдиган 7 миллион сўм сарфланди. Кўп қаватли уйларнинг ташқи кўринишини таъмирлаш, тозаланишга риоя қилиш, уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятини ривожлантириш учун 15 миллион сўм ажратилди.

Шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги ўқувчи болаларни моддий ра-

батлантириш, етим ва ота-она қаровидан маҳрум болаларни кийим-кечак, пойабзал, озик-овқат ва стипендия билан таъминлаш мақсадида маблағлар ажратилди, уларга зарур шарт-шароитлар яратилди. Бундай масалларни кўлаб келтириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда булсак туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий ҳимоят кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги дастури асосида иш олиб борилади, имкон қадар аҳолини кўлаб-қувватлашга интилиб келинмоқда.

Туман ижтимоий таъминот бўлими, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ва туман «Маҳалла» жамғармалари каби бир қатор ташкилотларнинг ҳамкорлигида олиб бораётган иш йўналишларида ҳам аҳолининг ноқар қисмига моддий ва маънавий кўмак бериш муҳим ўрин тутди.

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. ТЕМИР ЙЎЛДА ҲАРАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАНДИ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ — ЮКСАЛТИШ ЙЎЛИ

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар марказий дания саройида мазкур соҳа ходимларининг касбий рами муносабати билан ўтказилган тадбирда шунда сўз борди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлати-дорлик компанияси бошқаруви раиси А.Ретов бошқарган тадбирда давлатимиз раҳбари тонидан темир йўл транспорти тизимини барқарор-ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги айтилди.

Компания ахборот хизмати маълумотларига қара, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида маа-катимиз темир йўллари орқали 27,8 миллион тои юк ташилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига-га нисбатан 19,6 фоиз кўндр. Йўловчи ташини 0,1 фоиз кўнади. 150,7 миллиард сўмлик капиталба-лаг ўзлаштирилди.

Истиқлол йиллари жами 564 километрлик ян-йўл курилди. Шимолий минтақаларимизни мамлака-зининг марказий ҳудудлари билан боғлаш имкони-ёриган Навойи-Учкудук — Султон Увайтоғ — Ну-темир йўл линиясининг курилиши, ниҳоятга етган, узунлиги 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қўр-гон янги темир йўл линияси сингари лойиҳалашу-лар жумласидандир.

Айтиш керакки, кейинги 15 йил ичида МДХ пэзо давлатларнинг бирортасида ҳам бунчалик кенг эсо-фадаги янги темир йўл барпо этилмаган. Юртзда амалга ошириляётган бундай кенг кўламли иш хал-қимизнинг бунёдкорлик борасидаги улкан саъия-тидан яна бир далолатдир.

Соҳага чет эл сармояларини жалб қилиш иари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Осие тараққибан-кининг кредити ҳисобидан Самарқанд — Бухоро-лишида модернизациялаш дастури тўла нисига етказилди. Ушбу йўналишлар оралигидаги йўл-ла-тирланди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ош-кент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро йўналиш-ларида «Регистон» ва «Шарк» тевзор поездларинг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Темир йўл вэ-ларда йўловчиларга халқаро стандатларга мша-роитлар яратилмоқда.

Тошкент марказий йўловчилар темир йўл во-зали ва бошқа шахарларимиздаги вокзаллар қайта кон-струкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди, яла-ри барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналиш-ларда қатновчи поездларда кўрсатилган хизмат сифа-ти замонавий талабларга мослаштирилди.

Тепловозларнинг хизмат кўрсатиш муддатини-тайтириш, платформа ва бошқа хил техникани тири-лаш ишлари ўзлаштирилди. Андижон механикаво-дида нефть маҳсулотларини ташини учун элликдэиёд цистерна ишлаб чиқарилди. Европа тиклаш ва тараққиб банк ажратган 40 миллион АКШ длари микдоридаги кредит ҳисобига 12 та замонавий-кэтровоз сотиб олинди. Эксплуатация қилиш ва кник хизмат учун кетадиган харажатлар камайди.

Термиксий йўлсозлар учун полигликни ва фо-хона, Самарқанд станциясида эса болалар дэлаш бўлимига ишга туширилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида халқим фар-ровонлигини янада юксалтириш борасида алга ошириляётган кенг қурамли ислохотлар бераёти са-маралардандир.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Бош вири ўринбосари Н.Хоно, Тошкент шахар ҳокими А.Ҳта-ев иштирок этди.

Холмурод САЛЮВ,
ЎЗА МҲИРИ

Маънавият КАМОЛОТ САРИ ИНТИЛИБИ

ЭЛУ ЮРТ РАВНАҚИ, МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ВА ИСТИҚБОЛИ УЧУН МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЖУДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ЧУНКИ УНИНГ ЗАМИРИДА ЭЗГУЛИК ЯРАЛАДИ, ЯХШИЛИК БОҒЛАРИ КЎКАРАДИ, ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ОНГ ВА ТАФАҚҚУРИ ТАРБИЯ ТОПАДИ, ФАХР ВА ГУРУР ҲИССИ ЮРАКЛАРДАН ЎРИН ОЛИБ, ИНСОН ТОМ МАЪНОДА КАМОЛОТГА ЭРИШАДИ.

Шунинг учун ҳам қилаётган ҳар бир ишми-инсонлар кўнглини кўтариши, ҳаётга, эртанги кунга ишонч ва муҳаббатни мустаҳкамлаши, одамийликка, эзгуликка қорлаш лозим. Ал-батта бунга бирдан эришиш қийин, унинг зах-матли ва машаққатли йўли бор, фақат олдинга қараб дадил одимламоқ зарур. Республикаимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Мил-лий го тарихоти ва маънавий-маърифий иш-лар самарадорлигини ошириш тўғрисида»-ги Қарори аниқ вақтда қабул қилинган бўлиб, бу-гунги кундаги ва ундан кейинги қилиниши, эътибор қаратилиши лозим бўлган ишларимиз, вазифаларимизнинг дастурулама ҳужжати сифатида хизмат қилмоқда. Бугунги кунда маъна-вият тарғибот марказининг туман бўлими то-монидан миллий го ва қадриятлар тарғиботи, ёшлар ва улар билан ишлаш бўйича маҳалла-лар, қорхона, ташкилот, ўқув юртлиари, касб-хўна колледжлари ва лицейларда турли мавзу-ларга қаратилган тадбир, уюштуруш ва давра су-ҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Тадбирларда 4000 дан ортиқ иштирокчи қатнашган бўлса, уларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади.

— Аниқ кўнларда маҳаллаларимизда тобора яқинлашиб келаятган Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодиданлари олдинда «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники» шiori ос-тида юкори кўтаринкиликка эл ардоғидаги ин-сонлар, санъаткор ва ёзувчилар, адиб ва шoirлар иштирокида чиройли байрам дастурула-ри бўлиб ўтмоқда, — дейди Маънавият тарғи-бот маркази туман бўлими раҳбари Сабоҳат она Хамидова. — Халқимиз тарихий, шонли, азиз саналар, кўлуг байрамларни севади, қадрлай-ди, ҳаммиса тўйга қуруқ қўл билан эмас, балки кичик бўлса ҳам тўёна билан боришга инти-лади. Биз ҳам мўлжалдаги барча хайрли ишлари-мизни амалга ошириб байрамга ёруғ юз билан чиқамиз.

Туманда Ижтимоий ҳимоя йилининг ўтган ойлари давомида «Диний экстремизм ва фун-даментализмга қарши курашининг маънавий-маърифий асослари», «Ўзбекистонда дин ва давлат муносабатлари», «Миллий қадриятла-римиз — маънавиятимиз асоси», «Никоҳ шарт-номаси — оиванинг ҳуқуқий пойдевори», «Ме-росимиз — фахримиз», «Гивандлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш», «Воёга ет-маганлар тарбияси — давр талаби», «Гиванд-лик — аср вабоси», «Ислам — тинчлик ва ёшлар», «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиз» каби мавзуларда тад-бирлар ўтказилиб, уларда қатнашган иштирок-чиларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб бе-рилди ва ҳар бир мавзунинг уларга етиб бо-риши учун ҳаётий мисоллар келтирилиб тад-бирларнинг ниҳоятда жонли, баҳс-мунозара-ларга бой тарзда ўтишига эришилди.

Зеро, маънавият тўқ бўлган инсоннинг ўзи, сўзи, қиладиган иши гўзалдир. Ахир «гўзаллик — оламни кўнларда» деб бежизга айтилмаган. Умрбўксий гўзаллик ҳе кимини тарк этмасин деб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «КАМТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2004-2009 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ФАРМОНИ БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШГА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛДИ.

Унда кўрсатилган муддат мобайнида мам-лакатимизда 2888311 ўқувчи ўрнига эга бўлган 8476 та мактабнинг моддий-техник базасини тубдан янгилаш ва такомиллашти-риш кўзда тутилган бўлса, ҳозирги вақтга-на 4669 та мактабда курилдиш-таъмирлаш иш-лари амалга оширилди. 205 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 1174 та мактаб тубдан реконструкция қилинди, 2074 та мак-таб капитал таъмирланди. 1216 та умумтаъ-лим муассасаларида жорий таъмирлаш иш-лари бажарилди. Хусусан, Шайхонтоҳур ту-манида ҳам умуммиллий давлат дастури до-ирасида мавжуд 41та умумтаълим мактаб-ларининг 85 фоизи тубдан реконструкция қили-ниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарил-ди.

Тумандаги 169-мактабда бўлганимизда курилдиш, тиклаш ва пардозлаш ишлари ке-таётганининг гувоҳи бўлдик. Янги ўқув йи-лга шинам, ораста ва энг асосийси замо-навий ўқув лаборатория ускуналари, компь-ютер техникаси, дарсликлар билан таъмин-ланган, бир сўз билан айтганда, жаҳон андо-залари даражасидаги таълим масканини ўқув-чилар ихтиёрига топшириш истагидаги қурув-чи-бунёдкорлар жадал суръатларда иш олиб

Умуммиллий дастур — амалда МУНОСИБ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

бормоқдалар.

— Мактабимиз 1962 йилда курилган бўлиб, 1989-90-йилларда қўшимча бино қурилганча бирон марта капитал таъмирдан чиқарилмаган, қаровга муҳтож бўлиб қолган эди, — дейди иш жараёнини кузатаркан ўқув маскани директори Ёркиной Маматова. — Насиб этса ўқувчиларимиз бутунлай янгица киёфа бахш этган, барча қулайликлар яра-тилган, янги модификациядаги компьютер-лар, ўқув ва спорт анжомлари билан жиҳоз-ланган масканде билим оладилар. Таъмир-лаш жараёнида кўлаб янгиликларга қўл урилди, ҳар бир синф янги жиҳозлар билан таъминланганлигидан ташқари компьютер-лаштирилган, масофадан туриб ўқишни йўлга қўйилди, юкори синф ўқувчилари учун ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилиб, тикучи-лик, пазандалик, чилангар ва дурадгорлик йўналишлари бўйича касб-хўна эгаллаш-ларига имкони яратилди. 100 кишига хиз-мат кўрсатадиган қулай ва шинам ошхона-миз ишга тушди.

Бугун ёшларимизнинг соғлом, бакув-ват бўлиб воёга етишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Шундан келиб чиққан холда мактабимизда бу борада ҳам катта бир ишга қўл урилдики, бундан

кўнгилай яйраб кетади. Яъни барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган кат-та ёлик спорт залимиздан ташқари ўрин-диклар ўрнатилган спорт майдони ва кич-тик теннис корти ҳам курилиб фойдала-нишга топширилди. Спортчи ёшлар учун бу ерда барча шароитлар яратилган, ечи-ниш-кийиниш, ювиниш хоналари мавжуд, улар спорт жиҳозлари билан ҳам тўлиқ таъминланади. Аниқ Мустақиллик байра-мининг 16 йиллик шодиданлари нишон-ландиган кўнларда биз ҳам ўқувчилари-мизни бутунлай янгица киёфа касб этган бинада бир дунё янгиликлар билан кутиб оламиз. Ўз касбини севган 64 нафар зах-маткаш устозлар ўқувчиларга бугунги кун талабидан келиб чиқиб сабоқ бера экан-лар, албатта, яратилган шарт-шароитлар-дан ўқувчиларимиз унумли фойдаланиб пишиқ-пухта билим олиб шу юртга муно-сиб фарзанд бўлишга, шу юрт, шу мак-таб, билим олишга муайёд этилган барча ўқув жиҳозлари фақат ўзимизники экани-га, уни қадрлаб, асраб-авайлашга ўргата-дилар.

Зеро, элу юрт хизматига бўлишга ҳар би-римиз ҳаммиса тайёр бўлсакмица озод ва обод юртимиз асло завол кўрмайди.

расида «Сиз конунни биласизми?» кўрик-танловидан ҳам юкоридаги мақсадлар қўзғалди.

Тошкент Алоқа касб-хўна колледжида ёшлар ўртасида «Янги Эски шахар» лойиҳаси доирасида Олий Махлис депутатлари билан «Ёшлар ва конун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда 305 нафар ёшлар иштирок этди.

Булардан ташқари ёшларнинг дин тўғрисидаги билимларини оши-риш, динга муносабатини шакллантириш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг жисмонан соғлом ва бакувват бўлиб воёга етишлари учун олиб бориляётган сий-харақат-лар ҳақида ҳам ало-ҳида тўхталishi мум-кин. Шу маънода 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде мунта-зам ўтказиб кели-надиган «Шашка»

**ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ, ЭРТАМИЗ УМИДИ, ЮРТ
ФАРОВОНЛИГИ, МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОРИ.
ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УЛАРИНИНГ ҲАР СОҲАДА БИЛИМДОН ВА
МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ДАВЛАТИМИЗ
ТОМОНИДАН ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ДЭБ
БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.**

Бу борада «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман бўлими жамоаси ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларнинг ечилиши-да (иш билан таъминлаш, касб-хўнага ўргатиш, ўқув кредитларини, мустақил тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаш ёки ривожлан-тириш учун кредитларни олишда ёрдам бериш ва ҳоказо) яқиндан ёрдам бериб келмоқ-да. Кенгаш фаолияти-га назар солладиган бўлсак, туман маҳал-лаларида қизлар ўрта-сида ўтказилган «Ма-халланинг намунали қизи» кўрик-танловиде фаол иштирок этган қизларни кўлаб-қувват-лаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 32 нафар қиз-ларга «Камолот» ЕИХ Тошкент шахар бўлими қошидаги компьютер ўқув марказида таълим олишга йўлланма берилганлиги, туман меҳнат бўли-ми билан ҳамкорликда Шайхонтоҳур туманида жойлашган 17 та касб-хўна колледжлари, академик лицейлари битирувчиларининг бандлиги-ни таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилганлиги каби бир қатор ишларни кўрамиз. Унда туманда жойлашган қорхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари бўйича ёшларга мас-лаҳат ва ишга жойлашиш ҳамда уларни касбга йўналтириш ва қайта ўқишга юбориш учун 100 дан ортиқ йўлланмалар берилди. Шунинг-дек, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшларни касб-хўнага йўналти-риш мақсадида Шайхонтоҳур туман болалар иходиёти уйида фаолият юриятган тўғарақларга жалб этилди. Туманда жойлашган ўрта махсу-дук юртлиари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг туман ҳу-дудидаги олий таълим муассасаларига «Очиқ эшиклар кўни» лойиҳаси доирасида ташрифи уюштирилди.

«Камолот» ҲАР ДОИМ ЁШЛАРГА ҚАНОТ

ва «Шаҳмат» фестиваллари, «Умид» спорт комплексиде ўтказилган мини футбол, «Стел тенниси маликалари» спорт мусобақалари фик-римиз далилидир. Шунингдек, «Белтепа» болалар спорт мажмуаси-да турон яккакурашнинг оммавийлаштириш ва янада ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш, соғлом ва жисмонан етук бўли-шига хисса қўлиш мақсадида ташкил этилган «Отам, онам ва мен — спортчи оиласи» каби бир қатор спорт мусобақалари наинки ёшлар, балки катталар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғота олди.

«Камолот» ЕИХ туман Кенгаш томонидан воёга етмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг, гивандлик, ОИТСнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқдаки, бу албатта ўзининг ижобий самараларини бериб ёшларнинг соғлом турмуш тарзини танлашларига имкон яратмоқда. Бундан ташқари «Камолот» ЕИХ туман бўлими иқтидорли ёшларни кўлаб-қувват-лаш, экологик билимларини ошириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижроси бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Бундай ишларнинг натижаси 98-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун ўтказилган хайрия тадбири, 22-Меҳрибонлик уйидаги «Балли, йи-гитлар» кўрик-танлови, Фафур Фулом номидеги маданият ва истиро-ҳат боғида ўтказилган «Дилбардим» акциясида иштирок этган бо-лажонларнинг миннатдор нигоҳларида, меҳрга муҳтож кўнгиillar-нинг яйраб, дилдан миннатдор бўлишларида кўринади.

Фикримизни муҳтасар қилиб айтганда бўлсак, ёшларга ҳар томон-лама суян бўлишга интилиб келаятган «Камолот» ташкилоти ўз олди-га жуда кўн мақсадларни қўйган, бу йўлда уларга интилишдан, излани-шдан чарчамаслики тилаб қоламиз.

«Камолот» ЕИХ туман бўлими иқтидорли ёшларни кўлаб-қувват-лаш, экологик билимларини ошириш, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижроси бўйича ҳам иш олиб бормоқда. Бундай ишларнинг натижаси 98-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун ўтказилган хайрия тадбири, 22-Меҳрибонлик уйидаги «Балли, йи-гитлар» кўрик-танлови, Фафур Фулом номидеги маданият ва истиро-ҳат боғида ўтказилган «Дилбардим» акциясида иштирок этган бо-лажонларнинг миннатдор нигоҳларида, меҳрга муҳтож кўнгиillar-нинг яйраб, дилдан миннатдор бўлишларида кўринади.

Фикримизни муҳтасар қилиб айтганда бўлсак, ёшларга ҳар томон-лама суян бўлишга интилиб келаятган «Камолот» ташкилоти ўз олди-га жуда кўн мақсадларни қўйган, бу йўлда уларга интилишдан, излани-шдан чарчамаслики тилаб қоламиз.

**Саҳифани Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади.
Максим Черногаев олган суратлар.**

ИҚТИДОРЛИЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШ

**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЪАТИ
ФОРУМИ ҲАМДА «МЕҲР НУРИ» ЖАМҒАРМАНИ
ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ГҲН
СТИПЕНДИЯЛАР ДАСТУРИ БЎЙИЧА САРАЛАШ
БОСҚИЧИ АМАЛГА ОШИРИЛЯТГАНИДАН
КЎПЧИЛИКНИНГ ХАБАРИ БЎЛСА КЕРАК. ШУ
КЎНЛАРДА БУ ЙИЛГИ ЯНГИ ҒОЛИБЛАР
АНИҚЛАНИБ, УЛАРИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИ
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ
АРАФАСИДА ЎТКАЗИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.**

Мамлакатимиз томонидан иқтидорли талабага қаратиляётган эътибор ва гамхўрлик ёшларнинг рка-мол шахс бўлиб етишишлари йўлидаги изчиллаш-харақатлардир. Аниқ шундай ёшларни кўлаб-ват-лаш Ўзбекистон маданият ва санъат форуми «Меҳрури» жамғармалари лойиҳаларининг асосий мақсади соб-ланади. 3-4-курс талабаларига мўлжалланган уштан-ловга республикаимизнинг турли вилоятларида қил олаётган иқтидорли талабаларидан 1200 тага яқин-хуж-жати топширилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатанча юкори кўрсаткичлигини эътироф этиш жоиз. Танлов-тига кўра, ҳужжатлар орасидан 100 нафар талаба ҳуж-жатлари танлаб олинди, ғолибларга бир ўқувчи давомида қўшимча рағбатлантирувчи стипендиял-борилди. Узини йил давомида яхши намоён этг иш-тирокчиларга стипендия келгуси йилга ҳам узаири-лади.

Ташкилотларнинг таъкидлашича, ушбу даурда иштирок этиш ниҳоятда бўлган ёшларнинг кўпай бо-раётгани бўлажак мутахассисларнинг ўз билимига ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Ёшларимизнинг миллий қадриятга садоқат руҳа ка-мол топиши, уларнинг умумбашари тараққий-кларни, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур вўхта эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Турли мураккаб муаммоларни ўз вақтида ва олона ҳал этиши учун билим — сув ва ҳаводек зарур. Булда олиб бориляётган амалий ишларнинг ҳар бири аҳида эътиборга лойиқдир.

**Сурайё МЕЛИКУОВА,
«Туркистон-ресс»**



СУРАТДА: ўиничи Олимпиада ўинлари тантанали очилган Лос-Анжелесдаги машҳур "Колизей" стадиони.

Х Олимпиада ўинлари мезбони – АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри жаҳон спорти байрами ҳар қачонгидан ҳам муваффақиятли ўтиши учун жуда пухта тайёргарлик кўрди. Бу ерда 1923 йилда кўҳна юнонлар мейморчилиги усулида қурилган "Колизей" стадиони тубдан қайта тикланиб, 100 минг нафардан ҳам кўпроқ томошабинга мослаштирилди. У ўша даврнинг энг мукаммал спорт иншоотларидан бири ҳисобланарди.

Бу олимпиада спорт мажмуасида футбол майдони билан бир қаторда, шунингдек, сузиш ҳавзаси, спортчилар, уларнинг мураббийлари яшаш учун ҳамма қўлайликлар мавжуд бўлган йиғма 700 та уй ва жамоат марказидан иборат олимпия қишлоғи ҳам бор эди. Эшак эшувчилар мусобақалари учун махсус Лонг-Бич сунъий канали барпо этилди. Велосипедчиларга ҳам Лос-Анжелес яқинидаги Пассаден шаҳарчасида Олимпиада учун махсус трек қурилди.

1932 йил 30 июлда 37 мамлакатдан келган 1048 спортчи, шу жумладан 127 аёл иштирокида Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. У спортни жуда ёрқин тарғиб этган улкан ва унутилмас байрамга айланиб кетди. Ўинларга биринчи бор Хитой ва Колумбия спортчилари ташриф буюрдилар.

Лос-Анжелесдаги мусобақалар иштирокчиларининг аввалги Олимпиадага қараганда нисбатан кам сонлиги эса кўпгина миллий олимпия кўмиталарининг океан ортига сафар харажатлари қимматлиги сабабли ўз спорт делегациялари таркибини кескин қисқартиришга мажбур бўлганликлари билан изоҳланади.

Мусобақаларда кўрсатилган натижалар спортчиларнинг маҳорати тобора ошаётганлигидан яққол далolat беради. Лос-Анжелесда чинакамига рекордлар "ёмғири" кузатилди. Бу ердаги спорт майдонларида 116 та олимпия рекорди ўрнатилди, уларнинг 21 таси жаҳон рекордидан юқори эди. Фақат аёллар 13 та олимпия, шу жумладан 7 та жаҳон рекорди ўрнатдилар.

Халқаро Олимпия Кўмитаси ўинларда иштирок этаётган спортчилар ҳаваскорлик макомига тўла-тўқис жавоб беришларини қатъий назорат қилиб борарди. ХОҚ белгилаб қўйган қоидаларга риоя этилмаганда айбани, ҳатто тўққиз карра Олимпиада чемпиони афсонавий Пааво Нурмига ҳам Лос-Анжелес мусобақаларида иштирок этишга ижозат берилмади. Финляндия Миллий олимпия кўмитаси уни марафонда иштирок этадиган спортчилар рўйхатига киритган эди. Бирок Халқаро Олимпия Кўмитаси Пааво Нурми ҳаваскорлар макомига зид келадиган мусобақаларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга эди.

Худди шу сабаб билан 1500 метрга югуришда голибликка асосий даввогар ҳисобланган Жюль Лядумегнинг Олимпиадада иштирок этиши тақиқланди. Франция энгил атлетика федерацияси узоқ вақт давомда бу спортчининг турли тижорат мусобақаларида ҳар хил молларни реклама қилиб қатнашаётганлигини яшириб келарди.

Энгил атлетикачилар Лос-Анжелесда 54 та олимпия, шу жумладан 8 та жаҳон рекорди ўрнатдилар. Уларнинг "Колизей" стадионида ўтказилган мусобақаларида 100 ва 200 метрга югуришда америкалик Эдди Тоулен кўш галабага эришди. Аслида 200 метрга югуришда олтин медаль бу қора тан-

Олимпиада: биринчидан йиғирма тўққизинчигача РЕКОРДЛАР "ЁМҒИРИ"

ли спортчининг жамоадoshi Ральф Мэткелфга тегиши керак эди. Бирок ҳақамлар югуриш йўлакчаларидаги масофани нотўғри белгилашлари оқибатида Ральф аслида 200 ўрнига 202 метрдан кейингина марра чизигини кесиб ўтди.

Умуман, ушбу мусобақаларда ҳақамлар шу қадар кўп чалкашликларга йўл қўйдиларки, журналистлар Лос-Анжелес ўинларини муайян даражада асосли ҳолда "Ҳақамлар хатолари Олимпиадаси", деб аташди. Масалан, 3000 метрга югуриш финалида энгил атлетика бўйича барча мусобақалар тарихида ягона, ақл бовар қилиши қийин хатоликка йўл қўйилди. Стадионда спортчиларнинг югуриш йўлакларидан неча марта айлиниб ўтаётганликларини ҳисоблаб турган ҳақам нима учундир ўз жойини тарк этганлиги сабабли энгил атлетикачилар белгиланган масофага қўшимча деярли яна салкам ярим километр — жами 3450 метрни босиб ўтишларига тўғри келди.

Франциялик диск улоқтирувчи Поль Винтер билан рўй берган воқеа ҳам ажаблаларлидир. У дискни 50 метрдан ҳам кўпроқ масофага улоқтиришга муваффақ бўлди. Лекин, ҳақамлар спортчининг жаҳон рекорди кўрсаткичидан юқори бўлган натижасини кўрмай қолиб (!) унга дискни қайтадан улоқтиришни айтдилар.

Аммо Винтер иккинчи бор шундай юсак натижа кўрсата олмади. Натижада олтин медаль дискни 49 метр 49 сантиметрга улоқтирган америкалик Жон Андерсонга берилди. Бу олимпия рекорди бўлсада, французнинг ҳақамлар айби билан ҳисобга олинмаган натижасидан ярим метр кам эди.

Энгил атлетика бўйича аёллар ўртасидаги мусобақаларда АҚШ спортчилари деярли ҳамма олтин медаллари кўлга киритдилар. Фақат 100

метрга югуришда польшалик Станислава Валасевич 11,8 сониялик жаҳон рекорди билан голиб чиқди. Бу энгил атлетикачининг спортдаги узоқ умрлигига хайратланмасликнинг иложи йўқ, Станислава 1948 йилдаги XIV Олимпиада ўинларида ҳам 100 ва 220 ярдга югуриш, узунликка сакрашда олтин медаллар шодаси соҳибаси бўлди. Спортчи аёл ҳатто қирқ ёшдан ошганида ҳам энг нуфузли халқаро мусобақаларда пешқадамликни кўлдан бермаган.

Шундай бўлса-да америкалик 18 ёшли Милред Дидриксон Лос-Анжелес Олимпиадасининг ҳақиқий қаҳрамони ҳисобланади. У 80 метрга тўсиқлар оша югуришда ва найза улоқтиришда Олимпиада чемпиони бўлди.

Сузиш бўйича мусобақаларда учта жаҳон ва 36 та олимпия рекорди ўрнатилди. Мусобақалар дастуридаги ол-

СУРАТДА: Америка Қўшма Штатлари энгил атлетикачиси, икки карра Олимпиада чемпиони 18 ёшли Милред Дидриксон. Лос-Анжелесдаги жаҳоннинг энг кучли спортчилари иштирок этаётган бу мусобақаларда унинг иккита олтин медални кўлга киритишини ҳеч ким кутмаган эди.




мувофиқ тарзда ўтказилиши талабини қўйиб, бунга ҳаммани кўндирди олди. Бу билан мезбонлар спортнинг конькида югуриш бўйича ўз вакилларига қўлай шароит яратиб бердилар.

Холбуки, Қишки Олимпиададан атиги бир неча кун кейин худди шу Лейк-Плэсидда бўлиб ўтган конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионатида мутлақо бошқача манзара кузатилди. Халқаро қоидаларга биноан ўтказилган бу жаҳон биринчилигида Скандинавия давлатлари спортчилари энг тезкор эканликларини намойиш этиб, голибликни кўлга киритдилар.

Қишки Олимпиада дастуридаги чанги спортда чемпионлик Финляндия (уч карра) ҳамда Норвегия ва Швеция (икки мартадан) спортчиларига nasib этди.

Атиги тўртта жамоа иштирок этган шайбали хоккей бўйича мусобақаларда канадаликлар навбатдаги галабага эришдилар.

Норасмий тарздаги умумжамоа ҳисобида АҚШ 85 очко ва 12 та (6 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза)



СУРАТДА: Олимпиада ўинларида аёллар ўртасида сузиш мусобақалари.

тита олтин медалдан бештасини кўлга киритган япон сузувчиларининг натижалари кўпчилики лол қолдирди.

Холбуки, бу жамоа жуда ёш спортчилардан иборат эди. Масалан, 100 метрга эркин усулда сузишда чемпион бўлган Ясуйи Миязаки ўн беш, 1500 метрга сузишда голиб чиққан Кусую Китагуре атиги ўн тўрт ёшда эди.

Бокс бўйича мусобақаларда мезбонлар ўз устунликларини тўлиқ намойиш этишга муваффақ бўлдилар. Фақат венгер И.Энекеш энг энгил вазнда америкаликларнинг рингдаги узлуксиз галабаларини тўхтата олиб, бошқа мамлакатлар вакиллари орасида ягона олтин медалга сазовор бўлди.

Лос-Анжелесдаги ўинлар вақтида кўпгина янгиликларни жорий этишга киришилди. Бу ерда биринчи марта фотофиниш синаб кўрилди. Мусобақа голибларига мукофотлар топшириш учун илк бор махсус фахрий шоҳсуна ўрнатилди. Журналистлар эса Олимпиада мусобақалари тўғрисидаги материалларини телетайп орқали таҳрирларига тезкорлик билан узатиш имкониятига эга бўлдилар.

Учинчи Қишки Олимпиада ўинлари ҳам АҚШда, Лейк-Плэсидда 1932 йил 4-13 февралда бўлиб ўтди. Унда 17 мамлакатдан 306 спортчи, шу жумладан 32 аёл иштирок этди. Уларнинг тенг ярми – 150 нафар АҚШ ва Канада вакиллари эди.

Бу сафар қишки спортнинг 5 тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Конькида югуришда барча олтин медалларни америкалик спортчилар ўзaro бўлишиб олдилар. Бирок бу уларнинг спортнинг мажмуида туридаги мутлақ устунликлари ифодаси эмасди. АҚШ конькида югуриш мусобақаларини шу вақтгача қўлланиб келинган халқаро қоидалар асосида эмас, балки Америкада қабул қилинган, барча спортчиларга умумий старт бериладиган тартибга

медал билан биринчи ўринни эгаллади. Норвегия олимпиадачилари бу сафар иккинчи, канадаликлар эса учинчи ўрин билан кифояландилар.

1933 йилда Ўзбекистонда биринчи спартакиада ўтказилди. Бу вақтда республика спортчилари орасида иттифоқ рекордчилари ҳам бор эди. Хусусан тошкентлик Евгений Пуцилло 4x100 метрга эстафетада бир неча бор рекорд ўрнатган. У, шунингдек, 100, 200, 400 метр масофаларга югуришда энг юқори натижаларга кўрсатган. Евгений Пуцилло ҳамда 1000, 1500, 5000 метр масофаларга югуришда Ўзбекистон рекордчиси ҳисобланган Виталий Цехмистренко ва республикамизнинг бошқа спортчилари 1934 йилда бўлиб ўтган биринчи Ўрта Осиё спартакиадасида ҳам юқори натижаларни кўлга киритдилар.

Спортни оммалаштириш, уни айниқса маҳаллий аҳоли ўртасида тарғиб қилиш учун турли тадбирлар ташкил этиларди. Улар орасида 1935 йилда ўтказилган Тошкент – Помир – Қорақум велопаёда сафари катта ақс-садо берди. Бу тадбирда маҳаллий спортчилардан Ҳ.Иноятов, А.Хўжаев, А.Иброҳимов ва бошқалар ҳам қатнашдилар. Бундан бир йил кейин эса ўзбек энгил атлетикачилари Тўртқўл – Тошкент йўналишида марафон ўтказдилар.

1935 йилда Тошкентда биринчи жисмоний тарбия техникумининг ташкил этилиши спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ



СУРАТДА: Лейк-Плэсид Қишки Олимпиада ўинларининг плакати.

ЭЛЧИХОНАДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида Германия оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда «WOSTOK» журналининг бош муҳаррирлари Б.ВОЛЛЕНБЕРГ ва П.ФРАНКЕ, «БЕРЛИН АКТУЭЛЬ» электрон нашрининг бош муҳаррири М.МЕРТЕНС, «РБ/РГ» ҳамда «КОНТАКТ» газеталарининг масъул ходимлари Е.ОБODOVСКАЯ, О.БУЙНОВА, А.ХАЙЗЕР ва бошқа мустақил журналистлар иштирок этдилар.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида республикамизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни тўғрисида атофлича маълумот берилди. Хусусан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, шунингдек, қамоққа олиш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг моҳияти, уларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадлар ҳамда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этишга тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш кераки, ушбу маълумотлар немис ОАВ вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Журналистлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, мустақил суд тизимининг яратилиши жараёнлари, сиёсий партияларнинг ўрни, кўппартиявийлик институтининг шаклланиши билан боғлиқ масалалар юзасидан атофлича маълумотларга эга бўлишганини қайд этишар экан, Ўзбекистоннинг сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошири-

лаётган ўзгаришлар даражасига юқори баҳо бердилар.

— Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидадоқ инсонпарварлик тамойилига содиқ қолиб келади, — деди Франке. — Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олиш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги таъшабусларини таъриқлаш керак.

Ҳаммасининг фикрларини тасдиқлар экан, М.Мертенс «Ўзбекистон ушбу икки қонунни қабул қилиш орқали ўз миллий қонунчилик тизимини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди», деди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон маданият ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар хусусида ҳам сўз борди. Жумладан, жорий йилда Маргилон шаҳрининг 2000, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейлари ЮНЕСКО шафёғлигида кенг нишонланиши, Самарқандда ўтказиладиган аъёнани «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа фестивали, шунингдек, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислон ташкилотини (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинган-

ни ҳақидаги маълумотлар ҳам германиялик журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Б.Волленбергер Ўзбекистонда кўп маротаба бўлганини, ўзининг юртимиздаги тарихий шахарларнинг, уларда қарор топган бетақор меъморий обидаларнинг мафтунлигини қайд этиб, дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро ва Хива шахарлари сингари Тошкент ҳам ўзининг тарихи, ислом маданияти ривожланишига қўшган салмоқли ҳиссаси билан мусулмон оламида алоҳида ўрнига эга эканини таъкидлади. «Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳолисона ва тўғри қабул қилинган қарордир», деди у.

Шунингдек, тадбирда немис оммавий ахборот вакиллари яқинда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган йилгилиш тўғрисидаги маълумотлар билан ҳам танишдилар.

«Жаҳон» АА Берлин



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Сувни қуёш энергияси ёрдамида шўрсизлан-тиришининг янги услуби оддий технологияларга қараганда таннархни пасайтириш ва олинаётган истеъмол суви сифатини ошириш имконини беради. Димондаги Ядро тадқиқотлар маркази олими Дани Саги сувни шўрсизлантириш ва қуёш энергиясини олиш билан шуғулланадиган қатор фирмалар мутахассислари ёрдамида шунга эришди. Тадқиқот маълумотлари Санато ва савдо вазирлиги бош илмий мутахассиси Аммон Эйнав буюртмаси бўйича бажарилди. Янги технология «Солель» компанияси томонидан ишлаб чиқилган, унда «Луз» компанияси собиқ ишчилари ишламоқда. «Луз» яқинда тугатилди. Лекин у саксонинчи йилда яратган қурилмалар ҳали ҳам АҚШнинг Жанубий Калифорния штатида қуёш энергиясини олиш учун ишлатилади. «Солель» компанияси қурилмалари қуёш энергияси ёрдамида буғ олиш учун қўлланилади. Ўз навбатида буғ электр қуввати олиш, совутиш қурилмалари ва бошқалар учун керакдир.

● Хиндистонда Самбор деб аталадиган кўл бор. Унинг суви йилнинг етти ойида шўр, беш ойида чучук бўлиб тураркан. Шунингдек, сув таркибида ош тузини берадиган хлорид натрий ҳам мавжуд эканки, бу Хиндистоннинг марказий ҳудудини туз билан таъминлайди демакдир. Тожикистоннинг жанубида Хожа Мўмин деб номланадиган тоғнинг туздан бунёд этилганлигига ҳеч ким ишонмаса керак. Айтишларича, мазкур тоғдан овқат учун туз олинмаган бўлса, бутун ер юзига тахминан юз минг йилга етар экан. Япониянинг Кюсю оролида ярми сарик, ярми қизғиш рангли кўл бор. Кўлнинг бундай рангларида кўриниши сув тубида гургур ва темир қуқунларининг борлигидан экан. Улар қўшилганда кўл сиёҳ рангига кирар экан.

● Исроилда ишлаб чиқилган янги жаррохлик операцияси усули жаҳон даражасида ноёб бўлиб, қарлар шу жумладан, туғма қар бўлган болаларга эшитиш қобилиятини қайтариш имконини беради. Операциянинг ноёблиги шундан иборатки, ички қулоқдаги жароҳатланган товуш механизмининг айлиниб ўтиб, қулоқнинг асосий эшитиш органи «чиганок» қулоққа трансплантация қилинади ва у электролидлар билан бевосита миёга уланади. Янги ишланма Тель-Хашомердаги «Шива» тиббий маркази лор бўлими мудири, профессор Йона Кромёнберг томонидан ишлаб чиқилди. Профессор Кромёнберг «Маарив» газетасига берган интервьюсида таъкидлаганидек, ички қулоқнинг асосий усуси бўлган қулоқ чиганогини операцияларида одатда нозик электродлар сингдирилади ва чиганок эшитиш нервига уланади. Бунда шуни эътиборга олиш кераки, касаллик ёки жароҳатланиш натижасида эшитиш қобилиятини йўқотганларда ҳам, туғма қарларда ҳам мазкур нерв узилган бўлмай, шунчаки ўчиб қолган холос. Қулоқнинг мазкур чиганогини ўз навбатида 2,5 айланмага айлантирилган спиралли трубкани эслатади ва нозик плёнка билан икки бўлимга ажратилган. Ташқаридан ахборот олиб келган товуш тўқинларини қабул қилиш оқибатида қулоқ пардаларининг тебраниши уларни қулоқ чиганогини ва ички қулоқ махсус қурилмаси ёрдамида механик тебранишларга айлантирилади ва чиганокдан эшитиш нервига ўтказилади. Исроилда ишлаб чиқилган услубиятнинг хусусиятлари шундан иборатки, у умумий нархоз остида ўтади ва икки-уч соат давом этадиган оддий операциялардан фарқли равишда бир соатдан кам вақтни олади ҳамда одатда мушкул оқибатларга олиб келмайди.

● Агар сизни Малайзия бўйлаб саёҳатга тақдиф этишса йўқ демасдингиз, тўғрими? Аммо баъзи-баъзида билмасдан ёлгон гапириб юборувчилар Малайзияга боришга шошилмай туришсин. Гап шундаки, у ерда мўъжизавий тош бор. Тошнинг ёриқлари орасига бармогингизни қўйиб, бехосдан ёлгон гапириб юборсангиз тамом. Тош бармогингизни ўша заҳоти қисиб олади. Ким билади дейсиз, тошнинг бу сирли хусусияти балки ўзга сайёраликларга маълумдир.

● Сиз чойга солишни хуш кўрадиган лимондан бир инглиз соатсози электр токи олишда фойдаланмоқда. У лимонга рух ва мисдан ўтказгич улаб, электрон соатни ишлатиб юборади. Кўп ўтмай, соат тўхтаб қолганда, деб ўйласиз, йўқ, бу антика соат роппа-роса беш ой ишлайди.

● Японияда сув ўтларидан 300 хилдан ортиқ миллий таомлар тайёрлаш мумкин, экан деган хулосага келинди. Бу ўсимликлардан яна ҳар хил витаминлар, оксилли ун, ўсимлик мойи, крахмал, турли аминокислоталар, қон босими ва толиқишга қарши дори-дармонлар олинади. Мавлум бўлишича, қўшимча ёруғлик бу ўсимликларга яши таъсир қилар экан. Бинобарин, улар тез ўсиб таркибида янада кўпроқ фойдали моддалар тўплар экан. Япон олимлари сув ўтларини микро-элементлар ва фосфор тузлари билан махсус чироклар ёрдамида ёритиш ҳисобига бу ўсимликлардан икки баробар кўп ҳосил олиш мумкинлигини исботладилар. Айни вақтда сув ўтларининг янги-янги серҳосил навларини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

● Лондоннинг энг йирик савдо кўчаси — Оксфорд-стритнинг йўл четидидаги йўлакларини яқинда пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қўлай қилиб қизил чизик чизилиб, икки қисмга ажратилди. Биринчи қисмда туриш, чекиш, тамадди қилиш, пештахталарини томоша қилиш мумкин. Иккинчи қисмда эса ҳаракатланиш тезлиги соатига беш километрдан кам бўлмаслиги лозим. Бу ерда чекиш, телефонда гапланиш каби ҳаракатлар тақиқланади. Қоидабузар ўн фунт стерлинг жарима тўлаши керак бўлади. 30 нафар назоратчи пиёдалар ҳаракатини кузатиб туради. Гап шундаки, йилгига Оксфорд — стритга 9 миллион нафар сайёҳ ташриф буюради. Бу пайларда кўчага 60 минг киши тўпланиб, у ўзига хос муаммони вужудга келтирар эди. Энди эса шоншан одам Оксфорд-стритга қараб юриб эмас, югуриб бориши ҳам мумкин. Йўлга кетадиган вақт тежаланди.

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БЎЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ХИКМАТЛАР

Сабр ҳар сирни билишда раҳбар, Сабр ўзи аччиқ, меваси шаккар.

Сабр қилган охири кучгай зафар, Қайғунинг аччиқ суви бўлгай шакар.

Орзуга сабр орқали эришилади, шоши-лиш билан эмас.

Кимки сирдош дўстидан бўлди жудо, Бенаводир топса ҳам у юз наво.

Касб-хунар соҳиби мол топади. Бойликка парво қилмаган замонанинг яғонаси ҳисобланади.

Ноқис насиҳат эшитса, комил бўлади, Бечорани бор мақсади ҳосил бўлади. Билсанг, насиҳат туйфайли пок ҳар кўнгли, Билсанг, насиҳат туйфайли ҳал ҳар мушкул.

Арслонни айлаган тулкимижоз Эҳтиёждир, эҳтиёждир, эҳтиёж.

Маънили нарса ўзи пайдо бўлар, Маънисиз нарса ўзи расво бўлар.

Эшаги бору тўқими йўқ эди, Тўқим топса, эшакни бўри еди.

Тугамас ичган-ла дарё суви ҳеч, Бас, бу сувдан чанқоғинг қонгунича ич.

Булут йиғламаса, куларми чечак? Бола йиғламаса, ким тутар кўкрак?

Ишқ аввалин кўрган басирдир, кўрдир, Ишқ охири кўрган оқилдир, зўрдир.

Комил кум олса кўлига, зар бўлар, Ноқис зар олса-да, хокистар бўлар.

Агар кишининг кўнгли чоғ бўлса, бу бирор одамни хурсанд қилганидандир, агар гамгин бўлса, бировни хафа қилганидандир.

Дунёдаги бор нарса ўзингдан ташқарида эмас, шундай экан, нима хоҳласанг, аввал ўзингдан тила.

Балиқ бошидан сасийди, думидан эмас.

Ҳар қандай йиғининг ортидан кулги келади.

Гўзал қанотлари товуснинг душманидир.

Ёқимли фикр кишини семиртиради.

Кўёш ҳар қандай мадху таърифдан юксакдир.

Рустами дoston бўлишни истасанг, кўлингга ханжар ол.

Осон кўлга кирган нарса, осон кўлдан чиқади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Ватан ичра кичик Ватан



ФАОЛЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

«МАҲАЛЛА КУНИ» АНЪАНАВИЙ БАЙРАМИ ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ҲАМ ЧИРОЙЛИ ВА ФАЙЗЛИ ТАРЗДА ЎТДИ.

Янграган карнай-сурнай садолари тадбирга таклиф этилган 300 нафарга яқин тумандаги барча 58 та маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари, фаоллар, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари «Юнусобод» маҳалласи гузарига ўтказилаётган байрам тадбирига қорлади.

Маънавий-маърифий руҳда ўтган тадбир давомида Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Али, Жуманиёз Жабборовлар мустақиллигимизнинг энг улугъ неъмат эканлигини, Истиқлол давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқларни таъкидлаган ҳолда ўзларининг Ватан, Мустақиллик, ободлик, меҳр-муруват тараннум этилган янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Шунингдек, Маҳалла куни тадбири доирасида тумандаги маҳаллаларда ўтган бир йил ичида амалга оширилган ишлардан воқиф этувчи кўргазма ҳам намойиш этилиб, ундан очилган турли тўғаракларда ишлаб чиқарилган буюмлар, хунармандларнинг бетакрор ижод намуналари ва касаначилик асосидаги махсулотлар кенг ўрин олди.

Сўнг турли номинациялар бўйича голиб чиққан маҳаллалар фаоллари тақдирланди.

Жумладан, ўтган уч йил давомида «Адолат» маҳалласи ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш, уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмаларни буздириб, маҳалла ҳудудига 2000 дан ортиқ игнабаргли, 300 дан ортиқ мевали дарахтлар ва манзарали кўчатларнинг экилишига бош-қош бўлгани учун Муроджон Мираҳмедов «Энг обод маҳалла» номинацияси бўйича голиб деб топилган бўлса, Фирдавсий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Зокиров «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» деб топилди. Шунингдек, «Собиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асқар Абдусатторов «Энг фаол маҳалла оқсоқоли», «Янгиобод»

маҳалласи «Нуроний» жамоатчилик маъзи (раҳбари Маргарита Меркулова) т намунали «Нуроний» жамоатчилик маъзи, «Отчопар -2» маҳалла посбонлари и-дори Абдулқосим Қораев «Энг намуни маҳалла посбони» йўналишлари бўйи голиб деб топилди. «Қашқар» маҳалла-даги 29-уй бошлиғи Файрат Ортиқов а «Энг намунали уй бошлиғи» сифатида э-роф этилди.

Кўрик-танловлар голибларига «Камо» ЁИХ, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғарларининг туман бўлимлари томонидан-ратилган қимматбахо совғалар топшир-ди. Тумандаги тўртта маданият уйлари-дийи хаваскорларининг чиқишлари бай-тадбирига ўзгача фойз-тароват бахш э-и. (Ўз муҳбири)

СУРАТЛАРДА: тумандаги «Маҳаа куни» тадбиридан лавҳалар Козим Ўлмасов олган суратр

Спорт янгиликлари

ҚАҲРАМОН ЯНА ГОЛИБ

РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДАГИ «КРИЛЬЯ» РИНГИДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН РЕЙТИНГ ЖАНГИДА ҲАМЮРТИМИЗ ҚАҲРАМОН ОРЗИҚУЛОВ ТОЖИКИСТОНЛИК ШУҲРАТ УСМОНОВГА ҚАРШИ РИНГГА ЧИҚДИ.

Профессионал боксда 52,1 килограмм вазн тоифасидаги жангларида иштирок этаётган Қаҳрамон Орзиқулов Шухрат Усмонов билан бўлган беллашувда рақибидан тажриба ва маҳорат бобида яққол устунлигини намойиш қилди. Саккиз раундга мўлжалланган жангда рақибига кўплаб аниқ ва кучли зарбаларни берган ҳамюртимиз баҳсни ўз фойдасига ҳал қилиб, навбатдаги рейтинг очколарини кўлга киритди.

Профессионал боксчилик фаолиятини 2001 йилда бошлаган андижонлик Қаҳрамон Орзиқулов ҳозиргача 17 жанг ўтказиб, шулардан 14 тасида ғалаба қозонган, саккизта учрашувда рақибларини нокаутга учратган ва бир мартаба дуранг натижа қайд этган.

Асосан кучли ва рейтинг баланд боксчилар билан беллашишга алоҳида эътибор берадиган ҳамюртимиз Жаҳон бокс ташкилотининг /WBO/ Inter-Continental – қитъаларо ва Халқаро бокс уюшмасининг /IBA/ жаҳон чемпионлиги камарлари соҳиби ҳисобланади.

Шунингдек, Жаҳон бокс ташкилоти мутасаддилари дунёнинг энг кучли профессионал боксчилари киритилган июль ойидаги рейтинг жадалида Қаҳрамон Орзиқуловни ўз вазн тоифасида бешинчи поғонада қайд этишган.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ИТАЛИЯДА БИРИНЧИ

ИТАЛИЯГА ҚАРАШЛИ САРДИНИЯ ЯРИМ ОРОЛИДА ШАРҚОНА ЯККАКУРАШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ОЧИҚ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ДУНЁНИНГ 25 ТА МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН 500 НАФАРГА ЯҚИН СПОРТЧИ ҚАТОРИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҲАМ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШИШДИ.

Ўзбекистонлик яккакураш усталари нуфузли мусобақанинг таъқовида бўйича ўтказилган беллашувларида иштирок этди. Халқаро таъқовида федерацияси /ITF/ қоидалари бўйича ўтказилган беллашув-

ларда ҳамюртларимиздан Музаффар Зоитов, Аъзам Ажибеков, Азим Оманий, Беҳзод Рўзметов, Азамат Шаропов, Дмитрий Лян, Шохруҳ Асрорхўжаев, Фахриддин Носиров ҳамда Дониёр Усмонов олтин медаль билан тақдирланди.

Хотин-кизлар ўртасида ўтказилган баҳсларда эса Зулфия Аҳмаджонова, Феруза Кенжаева ҳамда Зилола Жўраева шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Фахрийлар ўртасида ташкил қилган финал беллашувларида Пўлат Усмонов, Фахриддин Умаров, Фаизираҳмон Насибулин ва Халим Юсупов муваффақият қозонди.

Таъқовидочиларимизнинг шахсий биринчилиқда кўлга киритган медаллари терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эғаллашини таъминлади. Қолган совринли ўринларга Италия ва Россия жамоалари таъқовидочилари сазовор бўлди.

СУЗУВЧИЛАР ҲАМ ПЕКИНГА БОРАДИ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР ДУНЁНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ВА МУСОБАҚАЛАРДА 2008 ЙИЛИ ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИН ШАҲРИДА БЎЛАДИГАН НАВБАТДАГИ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲАМЮРТИМИЗ ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРАДИГАН ЙЎЛЛАМЛАРНИ КЎЛГА КИРИТИШ УЧУН КУРАШМОҚДА.

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган сузиш бўйича Россия очиқ чемпионатида қатнашган терма жамоамиз аъзоларидан икки нафари олимпия лицензиясини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Бунга юз метр масофага эркин усулда сузиш бўйича Олимпиада ўйинларига чиқиш учун белгиланган меъёрий кўрсаткични бажарган Пётр Ромашкин ва Ирина Шлемова сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, ўзбекистонлик сузувчилар жорий йилнинг август ойида Сербияда ўтказилаётган нуфузли мусобақада ҳам олимпия йўлланмалари учун курашади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча Пётр Ромашкин ва Ирина Шлемовадан ташқари энгил атлетикачиларимиздан Виталий Смирнов (ўнкураш), Светлана Радзевил (баландликка сакраш) ҳамда Гўзал Хуббиева (100 метрга югуриш) ҳам Пекин йўлланмасини кўлга киритган.

Бохир БЕК

«ҚУРУВЧИ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ ЧОРАК ФИНАЛИГА ЙЎЛЛАМ ОЛГАН ОЛИЙ ЛИГАНИНГ ЯНГИ ВАКИЛИ «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАР ЎЗ ОЛДИЛАРИГА УЛКАН МАҚСАДНИ ҚЎЙГАН КЎРИНИШАДИ.

Чунки Тошкентда «Андижон-Ўз» жамоаси билан Ўзбекистон Кубогининг чорак финалида куч синашган Хамат Эргашев шогирдлари хужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишиб рақибларини йирик — 0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Кубок беллашувларининг қолган баҳсларида қуйи-га натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Нефчи» — 0, «Шўртан» — «Машъал» — 3:3.

Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг жавоб учраш-лари 11 август куни бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдош

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГИ ТАЙЁРГАРЛИК

ЯНА БИР НЕЧА КУНДАН СЎНГ МАМЛАКАТИМIZ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН ЯҚУНИИ МАШҒУЛОТЛАРДА ИШТИРС ЭТИШ УЧУН РОССИЯНИНГ МОСКВА ШАҲРИГА ЙЎЛ ОЛИШАДИ.

Сентябрь ойида Германияда ўтайдиган жаҳон чемпи-нати баҳсларида Луиза Галуилина, Любовь Глусинка, Имрина Абдувалиева, Антон Фокин, Келдиёр Ҳасов ва Руслан Эргашевлар олимпиада йўлланмаларини кўга киритиш учун стартка чиқади.

Синхрон сузиш бўйича терма жамоамиз аъзолари та Осие чемпионатида тайёргарлик кўришмоқда. Мусобақа йиғирма бешинчи ва ўттинчи август кунлари Инде-зияда бўлиб ўтади. Республика мусобақарида фл иштирок этиб муваффақият қозонган Динара Ибри-мова ҳамда Анастасия Рўзиметова яқка тартибги дастурларни намойиш этиш билан бирга дуэтда ҳам маҳоратларини кўрсатишади. Улар ўн уч, ўн беш ёши спортчилар гуруҳида стартка чиқишади. Катта ёшлир ўртасида Валерий Залатех ватанимиз шарафини хия қилади. Айни пайтда мамлакатимиз синхрон сузиш-талари учун энг асосий вазифа йиғирма тўққизи олимпиада ўйинларига йўлланмани кўлга киритишди.

Рустам ХАЙДАР, «Туркистон-пре»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Мунажжим башорати

АМАЛИЙ САҒАРЛАР ХАЙРЛИ БЎЛАДИ

7 июль, СЕШАНБА Кўёшнинг Арслон буржидаги ҳолати катта иззатта-блаблик ва жиззакилик ҳисларини жўш урдирса, Марс билан орқага «юраётган» Зухро ўртасидаги муноса-батлар муҳаббатда ва молиявий ишларда муаммолар-га сабаб бўларкан.

Бугун заифлар ва муҳтожларга — кексалар, болалар, бе-морларга ёрдам қўлини чўзиш хайрли бўлади. Ой тақвими-нинг бугунги куни табиат ҳаётбахш кучлари уйғониши бил-ан боғлиқ бўлади. Енгинангизда хўрознинг кичқириши бу-гун химоянгиз мустаҳкамлашиши ва яхши хабарлардан огох-лантиришдир.

БУГУН: — хизмат сафари, саёҳат ва амалий сафарга чиқиш; — ўзингиз учун мураккаб бўлмаган ишлар билан машғул бўлиш; — қундалиқ муаммоларни ҳал этишининг энг осон йўл-ларини излаш; — бирон-бир ишингиз юришмаса, уни ташлаб, бошқа бир юмуш билан банд бўлиш тавсия этилади. Ҳужжатлар, қимматли қоғозлар ва банк карточкалари бил-ан пала-партиш муносабатда бўлишдан, ортиқча тантилиқ-дан ўзингизни тийинг. Кийинишда ўз дидингиз ва хоҳишингизга қараб иш тути-шингиз мумкин.

ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимлари диққатига!

Тугатиш бошқарувчиси ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг собиқ ходимларига 2005 йил 25 декабрда бўлган иш ҳақи пулларини олиб кетишлари лозимлигини билдиради.

Иш ҳақи пуллари ҳар куни соат 15.00 дан кейин ОТАЖ «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи»нинг эски маъмурият биносида бе-рилади. Манзил: Тошкент ш. Сағ-бон кўчаси, 30-бەрк кўча, 8-уй.

Ўзингиз билан паспорт ёки олув-чи номинга нотариал тартибда тас-диқланган ишончнома бўлиши шарт.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 155-60-36, 185-05-18



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган су.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонинг муурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй 1 2 3 4